

ЎЗБЕК ТИЛИ

6-синф

2-вариант

1. Нарса - буюм сон-саногини ва тартибини билдириб, неча?, қанча?, нечанчи?, нечта? каби сўроқларга жавоб бўлган сўзлар туркуми –

А) От сўз туркуми.

Б) Сифат сўз туркуми.

В) Сон сўз туркуми.

Г) Олмош сўз туркуми.

Д) Феъл сўз туркуми.

2. Соннинг маъно турлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

А) Миқдор, дона, тартиб, чама, жамловчи, тақсим.

В) Миқдор, каср, жуфт, дона.

Б) Каср сон, дона, миқдор, нумератив.

Д) Содда, кўшма, нумератив.

Г) Жамловчи, тақсим, содда, кўшма.

3. Отлашган сон қатнашган гапни аниқланг.

А) Лекин дўконларда бу китобларнинг ўндан бири ҳам йўқ.

Б) Матқовул ўзи ундирган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини бойга бериши керак эди.

В) Улар ярим соатча жим боришди.

Г) Икковимиз бир-биримиз билан яхши ўртоқ бўлиб қолдик.

Д) Икки дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтирди.

4. Очиқ бўғинли сўзларни топинг.

А) Аъло, сув, тупроқ.

Б) Мактаб, олма, айиқ.

В) Мактуб, китоб, жийда.

Г) Она, шафтоли, ҳаво.

Д) Ёшлик, масжид, мадраса.

5. Берилган гапда аниқловчи қайси сўз туркумига мансуб?

Собиржон ўнинчи қаватга аранг кўтарилди.

А) От

Б) Сифат

В) Сон

Г) Олмош

Д) Равиш

6. «Яхши топиб сўзлар, ёмон қошиб сўзлар» гапида эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

А) От билан

Б) Отлашган сифат билан

В) Равиш билан

Г) Отлашган сифатдош билан

Д) Бирикма билан

7. Сифат қатнашган гапни аниқланг

А) Шанбаликка ота-оналар, ўқувчилар ҳам жалб қилинди.

Б) Ўриқлар оппоқ бўлиб гуллади.

В) Саида тез-тез хабар олиб турди.

Г) Зеби кўшиқ бошлаши билан ҳамма тинчланди.

Д) Тўғри одам эгри сўздан ор қилади.

8. Қайси гапда олмошлар берилган?

А) Қўшнинг тинч – сен тинч.

Б) Тоғ этагига қараб йўл олдик.

В) Қушлар тинимсиз сайради .

Г) Бирдан ёмғир шаррос куя бошлади.

Д) Куёш қизариб ботди.

9. Отлашган сон қатнашган гапни аниқланг.

А) Рудакий ёшлигиданоқ шеъриятга ихлос қўйди

Б) Иккала отлик анча гаплашиб тургандан кейин, бири қишлоқ томонга кетди, иккинчиси орқага қайтди.

В) Санобар мусиқага қизиқар ва мусиқа асбобларини чалишни орзу қиларди.

Г) Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшажак.

Д) Йиғим-терим ишлари қизиқ кетади.

10. “ов” ни олган қайси сон

Бир товушни йўқотар?

Ёзганинда ҳар маҳал,

Қоидага қил амал. Грамматик топишмоқнинг жавобини топинг.

А) Бир.

Б) Уч.

В) Тўрт.

Г) Беш.

Д) Олти.